Умар Шайх Мирзонинг (1456—1494) кизи, Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг опаси. У 1478 йилда Андижонда тугилган. Унинг онаси—Кутлуг Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг кизи эди.
Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зехнли ва акл-заковат сохибаси бўлган. Хонзода бегим айни балогат ёшига етганда отаси Умар Шайх Мирзо тасодифан жардан йикилиб, оламдан ўтади. Ота тахтига ўтирган 12 ёшли Захириддин Мухаммад Бобур Мирзонинг кисматида дарбадарлик даври бошланади. Ёш Бобур Мирзода бобокалони Амир Темур тахтини эгаллаш хаваси уйгониб, Самаркандга бир неча харбий юришлар килади. Нихоят, 1501 йили Самаркандни кўлга киритишга муваффак бўлади. Аммо кўп ўтмай Шайбонийхон кўшин тортиб келиб, Самаркандни камал килади. Камал кўпга чўзилиб, шахарда дахшатли очарчилик ва ўлим авжига чикади. Бобур Мирзонинг кўпгина одамлари шахарни ташлаб кочадилар. Бобур Мирзо нихоят даражада кучсизланиб, хатто камални ёриб чикиб кетиш имкониятига кодир бўлмай колади. Ана шундай огир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулх таклиф килади. Кейинчалик ана шу вокеани Бобур Мирзо ўзининг машхур «Вокеанома» («Бобурнома») асарида куйидагича тасвирлайди: «Бу махалда Шайбонийхон сулх сўзини арога солди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё захира бўлса, сулх сўзига ким кулок солар эди. Зарурат бўлди, сулхгина килиб, кечадин икки пахр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чикилди. Волидам хонимни олиб чикдим. Яна икки хотин киши чикди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик кўгалтош эди. Менинг эгачим Хонзода бегим ушбу чикканда Шайбонийхоннинг илкига тушди».
Аммо бу вокеа аслида бошкачарок бўлган. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулх таклиф килиши билан бирга, Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у холда ўз харамини Самарканддан саломат олиб чикиб кетишига имконият яратиб беражагини айттан.
Бу вокеани Бобур Мирзонинг кизи — Гулбадан бегим, ўзининг «Хумоюннома» номли асарида куйидагича тасзирлайди: «Ана шундай вактда Шохибек (Шайбонийхон)хон «агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулх тузилади ва хамжихатлик алокалари ўрнатилади»,— деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг кайтишлари зарур бўлди». Гулбадан бегимнинг бу фикрини «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи— Хайдар Мирзо хам тасдиклаб, «унинг каршилик кўрсатишга хеч чораси колмай, Шайбонийхон билан сулх тузиб, ўз эгачиси Хонзода бегимни унга хотинликка берди»,— деб ёзади.

Шундай килиб, Хонзода бегим Шайбонийхон никохига киради ва ундан бир ўгил кўради. Исмини Хуррамбек деб атайдилар,
Шайбонийхон катлидан сўнг Хонзода бегим укаси Захириддин Мухаммад Бобуршохнинг саройи — Кобулга кайтиб келади. Кўп ўтмай ўгли Хуррамбек хам вафот этади. Хонзода бегим ўзининг акл-идроклиги ва тадбиркорлиги натижаси ўларок, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлади. Хонзода бегим Бобуршох ва унинг тахт вориси Хумоюн шох саройида маслахатчи вазифасини бажарган.
1544 йили Хонзода бегим Кобулхак деган жойда оламдан ўтади. Орадан уч ой ўтгач, унинг хокини Кобулга келтириб, Бобуршох макбарасига дафн киладилар.

Тургун Файзиев